

Шу билан бирга, дунёда эпидемиологик хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани касалликларга қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни ҳозирги мураккаб шароит ва ортирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда, айниқса, уларнинг профилактикаси, эрта аниқлаш, тўғри ташхиллаш ҳамда даволашда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари иш услубларини қайта кўриб чиқиб, соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу тизимни жорий қилишдан олдин тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси бутун республика бўйлаб бир хил бўлиши керак. Пойтахт фуқароси билан чекка қишлоқ аҳолисига тенг даражада тиббий хизмат кўрсатилиши лозим. Бунга бирдан эришиш бўлмайди ва маълум вақт талаб қилади. Ривожланган давлатларда ҳам мажбурий тиббий суғурта-

ни жорий этиш учун 20-30 йиллаб вақт кетган. Ўзбекистон шароитида яқин йиллар ичида тизим йўлга қўйиладиган бўлса, албатта, бошида камчиликлардан холи бўлмайди. Лекин муҳим жиҳати шуки, мажбурий тиббий суғурта тиббиёт ривожини йўлида қўйилган энг дадил қадам бўлиб қолади. Ўзбекистон тиббий суғурталаш тизимини ривожлантириш бўйича хулоса ва таклиф ишлаб чиқилди:

- бир ой муддатда тиббий суғурта тизимини жорий этиш бўйича қарор ишлаб чиқиш зарур;

- пойтахтда тиббий суғурта тизими механизмлари жорий этилиши, тиббиёт муассасалари тўлиқ рақамлаштирилиши зарур;

- ҳар бир бемор қачон, қаерда ва қандай даволаниши ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сонли қарори.
3. Страхование. Учебник. / Под ред. Т.А.Федоровой. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Экономистъ, 2005. С. 340.
4. Махтина Ю.Б. Некоторые подходы к определению сущности ОМС. // Страхование дело. 2003. № 2. С. 19.
5. Медицинское страхование. / Русакова О.И., Шойко С.В., Абашин Н.Н., Евсеева М.Н., Махтина Ю.Б. Учеб. пособие. Иркутское медицинское издательство, 2003. С. 33-34.
6. Спиридонов А.В., Шулаев А.В. Метод оценки удовлетворённости пациентов качеством стационарных услуг в условиях модернизации здравоохранения. // Современные проблемы науки и образования. 2013. № 4. С. 164.
7. Лясников Н.В. Предпринимательские структуры: устойчивость, инновационность, конкурентоспособность. / Н.В.Лясников, М.Н.Дудин, С.А.Широковских. // – М.: Издательство “Элит”, 2011. С. 91.
8. Конт-Спонвиль А. Философский словарь. – М.: Издательство “Этерна”, 2012. – 752 с.; Новый энциклопедический словарь. – М.: Издательство “Рипол Классик”, 2012. – 1568 с.
9. Каримова К. Соғлиқингиз учун пул тўлан! Хусусий тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси саноатга айланди. // Иқтисодий шарҳ, 7-сон, 2015.
10. Лупей Н.А., Степанова С.В. Социальное страхование в России: состояние и проблемы. // Финансовый менеджмент. 2022. № 5. С. 138.
11. Модонов А.Ф. Развитие обязательного медицинского страхования в регионе: Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук: 08.00.10. – Иркутск, 2022. С. 20.
12. Stat.uz. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.



СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Қурбанқулова Назокат Қутбиддиновна -
Тошкент молия институти ассистенти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a76

Аннотация. Мақолада суғурта компанияларининг фонд бозоридаги иштироки йўналишлари тадқиқ қилинган. Хусусан, суғурта компанияларининг эмиссион фаолияти атрофлича таҳлил қилинган ва бу борадаги муаммоларга тўхталиб ўтилган. Бунда фақатгина акциялар эмиссияси амалга оширилганлиги аниқланган. Тошкент республика фонд биржасида листингдан ўтган суғурта компаниялари акциялари таҳлиliga эътибор қаратилган. Амалга оширилган тадқиқотлар ва таҳлиллари асосида суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: суғурта, фонд бозори, акциядорлик жамияти, акция, эмиссия, листинг.

АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ

*Курбанкулова Назокат Кутбиддиновна -
Ассистент Ташкентского финансового института*

Аннотация. В статье рассматриваются направления участия страховых компаний на фондовом рынке. В частности, была тщательно проанализирована эмиссионная деятельность страховых компаний и обсуждены проблемы в связи с этим. Было установлено, что выпущены только акции. Уделено внимание анализу акций страховых компаний, котирующихся на Ташкентской фондовой бирже. На основе проведенных исследований и анализа выдвинуты научные предложения и практические рекомендации, направленные на повышение активности страховых компаний на фондовом рынке.

Ключевые слова: страхование, фондовый рынок, акционерное общество, акция, выпуск, листинг.

ANALYSIS OF THE ACTIVITY OF INSURANCE COMPANIES IN THE STOCK MARKET

*Kurbankulova Nazokat Kutbiddinovna -
Assistant at Tashkent Financial Institute*

Abstract. The article examines the directions of participation of insurance companies in the stock market. In particular, the emission activity of insurance companies was thoroughly analyzed and the problems in this regard were discussed. It was determined that only shares were issued. Attention is paid to the analysis of shares of insurance companies listed on the Tashkent stock exchange. Based on the conducted research and analysis, scientific proposals and practical recommendations aimed at increasing the activity of insurance companies in the stock market have been put forward.

Key words: insurance, stock market, joint-stock company, share, issue, listing.

Кириш. Фонд бозорини ривожлантиришда эмитентлар эмиссион фаолияти, муомалага чиқарилган акцияларни очиқ жойлаштириш орқали капитал жалб қилиш, жалб қилинган капитал асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали юқори рентабелликни таъминлаш, натижада эса эришилган фойдани акциядорлар ўртасида самарали тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу амалиётдан акциядорлик суғурта компаниялари истисно эмас. Бошқа томондан суғурта компанияларининг молия бозоридаги фаолияти йўналишлари ўзига хослиги, яъни уч томонламалиги билан ҳам ажралиб туради. Яъни биринчи навбатда акциядорлик жамияти сифатида устав капиталини шакллантириш ва ошириб бориш нуқтаи назаридан акциялар эмиссияси ҳамда қарз капитали жалб қилиш нуқтаи назаридан корпоратив облигациялар эмиссиясини амалга оширади. Иккинчидан эса молия бозори инструментларига, хусусан, давлат қимматли қоғозлари, суғурта компанияларидан ташқари бошқа акциядорлик жамиятларининг акциялари ва корпоратив облигацияларига инвестициялар киритиш орқали даромадлар базасини диверсификациялаш имконига эга. Учунчидан эса суғурта компаниялари молия бозоридаги рискларни суғурталаш бўйича маҳсулотларни амалиётга жорий этади, яъни молия бозоридаги рискларни бошқаришда муҳим институт ҳисобланади. Айнан келтирилган жиҳатлар асосида суғурта компанияларининг молия бозори тараққиётидаги роли юқори эканлигини қайд этиб ўтишимиз лозим.

Лекин мамлакатимизда суғурта компанияларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали молия бозорини ривожланти-

риш борасида эришиш мумкин бўлган натижаларга эришмоқдамиз, дея олмаймиз. Хусусан, суғурта компаниялари эмиссион фаолияти ва фонд бозоридаги фаоллиги етарли даражада эмас. Шунинг учун фонд бозоридаги рискларни суғурталаш борасида ҳам етарлича маҳсулотлар амалиётга жорий этилмаган. Инвестицион фаолият борасида ҳам депозитлар билан чекланиш ҳолатлари кўпроқ кузатилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйида суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятини таҳлил қилиб чиқамиз ва фаолликни оширишга қаратилган ўз мулоҳазаларимизни келтирамиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

И.Абдурахмонов томонидан суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ошириш ва унда айнан даромадни диверсификациялаш нуқтаи назаридан молиявий инструментларга, хусусан, давлат қимматли қоғозлари, хорижий давлатлар қимматли қоғозлари, депозит сертификатлари, акциялар, инвестицияларга эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида тўхталиб ўтилади. Бунда активларни жойлаштиришда қўйилган талаблар, хусусан, суғуртадан бошқа бизнес субъекти устав капиталидан иштирок этиш борасидаги чегаралар борасида фикрлар келтирилган [1].

Н.Абдуллаева томонидан суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларини суғурталаш, андеррайтернинг акциялар маркетинги хавф-хатарларини комплекс суғурталашга оид янги суғурта маҳсулотини жорий этиш, эмитентнинг ин-

вестор олдидаги жавобгарлигини суғурталаш, устав капиталида давлат улуши мавжуд суғурта компаниялари акция пакетларини бирламчи ва иккиламчи оммавий (IPO, SPO) таклиф этиш орқали хусусийлаштириш, бунда хорижий институционал инвесторларга ҳам сотиш борасидаги ёндашувларга гувоҳ бўлиш мумкин [2]. Бунда шуни қайд этиш керакки, акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш давлат улушини камайтириши мумкин, лекин давлат улуши тўлиқ хусусийлашишига олиб келмайди.

М.Алиқулов томонидан суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан қимматли қоғозларга инвестициялар орқали даромадлиликни ошириш масаласи тадқиқ қилинган [3].

Danilo Cavapozzi, Elisabetta Trevisan, Guglielmo Weber “ҳаёт суғуртаси инвестициялари ва Европада акциялар бозорида иштирокини тадқиқ қилиб, кўпгина Европа мамлакатларида ҳаёт суғуртаси уй хўжаликлари портфелида муҳим роль ўйнаган, чунки у кўпинча сотиб олинган биринчи актив бўлган” деган хулосага келишган. Натижада акциялар бозорига ҳам кириб боришига асос сифатида айнан ҳаёт суғуртаси қайд этилган. Яъни ҳаёт суғурта полисини сотиб олган шахсларда акцияларга инвестиция киритиш эҳтимоли юқорилиги илмий исботланган [4]. Мазкур ҳолатда мамлакатда фонд бозори ривожланган бўлиши шарт, шу боис Европада бу тадқиқот натижалари ижобий аҳамият касб этади. Фонд бозори ривожланмаган мамлакатлар учун эса мазкур тадқиқот натижасининг аҳамияти нисбатан пастроқ.

Han Hou ва Su-Yin Cheng банк, ҳаёт суғуртаси ва акциялар бозорининг иқтисодий ўсишга динамик таъсирини тадқиқ қилиб, “турли ривожланиш даражасидаги мамлакатларда ҳар учала бозор таъсир кучига эга ва улар умумий ҳолда мамлакатдаги комплекс иқтисодий ўсишга хизмат қилади” деган хулосага келишган [5].

Келтирилган тадқиқот натижаларидан ҳам аён бўлмоқдаки, суғурта ва фонд бозори ўзаро экотизимдир. Яъни иккала институт ўзаро ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш асосида ривожланиши лозим.

Тадқиқот методологияси. Суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолияти таҳлилига доир мазкур мақолада таққослаш, индукция, дедукция, илмий абстракция методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Бизга маълумки, 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига асосан суғурта компаниялари ўз фаолиятлари учун ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаши ихтиёрий эди [6]. Шу боисдан 2021 йил охирига қадар чекланган сондаги

суғурта компаниялари акциядорлик жамияти сифатида фаолият юритар эди. Улар Алском, Агросуғурта, Кафолат ва Ўзбекинвест акциядорлик суғурта компаниялари эди, холос. Бошқа 38 та суғурта компанияси эса масъулияти чекланган жамият сифатида фаолият юритар эди. Бунда акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги мураккаб ташкилий тузилма, ахборот очиқлиги бўйича юқори талаблар, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида трансформацияси ва аудити бўйича мураккабликлар хусусий суғурта компанияларининг акциядорлик жамиятлари сифатида фаолият юритишидан қочишига сабаб бўлиб келаётган эди. Шу боисдан улар тинчгина масъулияти чекланган жамият сифатида фаолият олиб боришни афзал билар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорига асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши белгиланди [7]. Бундан кўряпмизки, суғурта компанияларининг ҳисоботлари га талаб 2021 йилдаёқ кучайтирилди.

2021 йил 23 ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига асосан эса 2022 йил 23 февралдан бошлаб суғурталовчилар, шу жумладан, қайта суғурталовчилар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши ва фаолият юритиши шартлиги белгиланди [8]. Натижада айнан масъулияти чекланган жамият сифатида фаолият юритиб келган 38 та суғурта компанияси ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклларини акциядорлик жамиятига ўзгартирди ва республикамиздаги умумий акциядорлик жамиятлари сони ошиши кузатилди.

Бошқа томондан суғурта компаниялари акцияларининг ҳажми ҳам кескин ошди. Яъни суғурта компаниялари ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятдан акциядорлик жамиятига ўзгартириши жараёнида акциялар муомалага чиқариши ва жойлаштириши қонуний талаблардан биридир. 2022 йил 1 октябрь ҳолатига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 44 та суғурта компанияси акциялари ҳисоби депозитарийда юритилмоқда. Уларда акция чиқарилиши умумий ҳажми, акциялар номинал қиймати, чиқарилган акциялар сони қуйидагича (1-жадвал).

SUG'URTA ISHI

1-жадвал

Ўзбекистонда суғурта компаниялари томонидан муомалага чиқарилган акциялар таҳлили [9]

№	АЖ номи	АЖ акция чиқарилишлари умумий ҳажми (сўм)	Акция номинали (сўм)	Чиқарилган акциялар сони (дона)
1.	O'zbekinvest eksport-import SK AJ	282 216 408 000,00	1 000,00	282 216 408
2.	O'zagrosug'urta AJ	108 955 938 720,00	3 280,00	33 218 274
3.	APEX INSURANCE AJ	72 000 000 000,00	1 000,00	72 000 000
4.	ALFA INVEST SK AJ	53 312 638 000,00	10,00	5 331 263 800
5.	TEMIRYO'L-SUG'URTA AJ	50 000 000 000,00	1 000,00	50 000 000
6.	EUROASIA INSURANCE AJ QK	46 620 275 000,00	1 000,00	46 620 275
7.	SQB Insurance SK AJ	45 501 750 000,00	1 000,00	45 501 750
8.	Gross SK AJ	45 414 450 000,00	1 000,00	45 414 450
9.	Ingo-Uzbekistan sug'urta AJ	45 212 502 400,00	1 300,00	34 778 848
10.	AGROS HAYOT SK AJ	45 000 000 000,00	1 000,00	45 000 000
11.	SEMURG SUG'URTA AJ QK	45 000 000 000,00	5 000,00	9 000 000
12.	XALQ SUG'URTA AJ	45 000 000 000,00	1 000,00	45 000 000
13.	OMAD SUG'URTA AJ	45 000 000 000,00	1 000,00	45 000 000
14.	Kafolat SK AJ	45 000 000 000,00	1,00	45 000 000 000
15.	IMKON-SUG'URTA AJ	45 000 000 000,00	1,00	45 000 000 000
16.	Alskom SK AJ	40 181 954 040,00	1 380,00	29 117 358
17.	TRUST-INSURANCE AJ	40 000 000 000,00	1,00	40 000 000 000
18.	Kapital sug'urta AJ	40 000 000 000,00	0,01	4 000 000 000 000
19.	AZIMUTH INSURANCE COMPANY AJ XK ST	39 566 531 000,00	1 000,00	39 566 531
20.	INSON ST AJ	36 610 362 200,00	100,00	366 103 622
21.	ASIA INSURANCE SK AJ	36 558 007 000,00	1 000,00	36 558 007
22.	APEX LIFE INSURANCE AJ	36 000 000 000,00	500,00	72 000 000
23.	SHARQ-SUG'URTA AJ	36 000 000 000,00	1 000,00	36 000 000
24.	New Life SK AJ	35 900 000 000,00	1 000,00	35 900 000
25.	KAFIL-SUG'URTA AJ	35 701 000 000,00	1 000,00	35 701 000
26.	ISHONCH SK AJ QK	35 375 000 000,00	1 000,00	35 375 000
27.	EUROASIA LIFE INSURANCE AJ	35 326 000 000,00	1 000,00	35 326 000
28.	ASKO-VOSTOK AJ QK ST	35 186 430 300,00	100,00	351 864 303
29.	MY-INSURANCE AJ ST	35 050 000 000,00	1 000,00	35 050 000
30.	IMPEX-INSURANCE AJ ST	35 000 000 000,00	1 000,00	35 000 000
31.	PERFECT INSURANCE AJ ST	35 000 000 000,00	5 000,00	7 000 000
32.	Kafolat Hayot Insurance AJ	35 000 000 000,00	1 000,00	35 000 000
33.	Hamkor sug'urta AJ	35 000 000 000,00	5 000,00	7 000 000
34.	ALFA LIFE INSURANCE AJ	35 000 000 000,00	1 000,00	35 000 000
35.	Universal Sug'urta AJ	25 005 660 000,00	0,01	2 500 566 000 000
36.	GARANT INSURANCE GROUP AJ	25 000 000 000,00	1 000,00	25 000 000
37.	ARIA SUG'URTA TASHKILOTI AJ	20 000 000 000,00	1 000,00	20 000 000
38.	UNIPOLIS AJ ST	20 000 000 000,00	1,00	20 000 000 000
39.	DD GENERAL INSURANCE AJ ST	20 000 000 000,00	1 000,00	20 000 000
40.	GLOBAL INSURANCE GROUP ST AJ	20 000 000 000,00	1 000,00	20 000 000
41.	O'zbekinvest Hayot SK AJ	20 000 000 000,00	1 000,00	20 000 000
42.	Farovon Sug'urta AJ	16 036 080 000,00	5 000,00	3 207 216
43.	Fortuna Insurance AJ ST	15 000 000 000,00	1 000,00	15 000 000
44.	Agro invest sug'urta AJ	10 126 000 000,00	1 000,00	10 26 000
	ЖАМИ:	1 902 856 986 660,00		

Аввало, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, республикамиздаги суғурта компанияларининг барчаси Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган. Мамлакатимизда суғурта бозори кескин рақобат асосида ривожланаётганлиги асосида ҳудудларда ҳам суғурта компаниялари фаолиятининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 34 та суғурта компанияси томонидан 1,9 триллион сўмлик акциялар ҳисоби Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида юритилмоқда. Лекин Agro invest

sug'urta акциядорлик жамияти фаолияти бўйича энг охирги муҳим факт 2016 йил 5 сентябрда эълон қилинган. Мазкур суғурта компаниясининг регулятор томонидан қақриб олинганлиги боис охирги йилларда суғурта хизмати кўрсатмаган.

Корпоратив ахборотлар ягона порталида Fortuna Insurance акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти фаолиятига фақатгина битта муҳим факт эълон қилинган бўлиб, у ҳам 2022 йил 6 апрелдаги 25-муҳим фактдир. Унга кўра, суғур-

та компанияси номинал қиймати 1000 сўм бўлган 15 миллиард сўмлик акциялар муомалага ёпиқ тартибда чиқарилган.

Жадвал таҳлилларига кўра, Капитал суғурта ва Универсал суғурта акциядорлик жамиятлари бир тийин номинал қиймат билан акциялар муомалага чиқарган. Шунингдек, Кафолат суғурта, Имкон суғурта, TRUST-INSURANCE ва UNIPOLIS суғурта компаниялари 1,0 сўмлик номинал қийматга эга акциялар муомалага чиқариш орқали устав капитални шакллантирган. Амалдаги қонунчиликка кўра акциялар номинал қийматининг максимал миқдори 5 минг сўм бўлиши белгилаб қўйилган вақтда бунчалик паст номиналда акциялар чиқариш корпоратив молиявий ҳисоб-китобларни ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши баённомаларини юритишда ўзига хос мураккабликларни юзга келтирмоқда.

Суғурта компаниялари қонунчилик талаби асосида акциядорлик жамиятига айланган бўлса-да, уларнинг аксарияти ўз акцияларини ёпиқ тартибда жойлаштирган. Мазкур ҳолатни янги ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун табиий ҳолат сифатида ҳам баҳолашимиз мумкин. Чунки янги ташкил этилган акциядорлик жамиятлари, одатда, ўз акцияларини дастлабки ҳолатда ёпиқ обуна тартибида жойлаштиради.

Шу билан бирга, барча акциядорлик жамиятлари каби акциядорлик суғурта компаниялари ҳам мантиқан фонд бозорида юқори категориядаги листингга интилиши шарт. Бу борада фаолият юритаётган акциядорлик суғурта компанияларидан фақатгина олтитаси Тошкет республика фонд биржасида листингдан ўтган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Улар бўйича асосий таҳлиллар қуйидагича (2-жадвал):

2-жадвал

Тошкент РФБда листингдан ўтган суғурта компаниялари акциялари таҳлили [10]

№	Листинг тоифаси	Эмитент	Листингга кирган сана	Номинал баҳоси	Листингга қўйилган акциялар сони	Жорий баҳо	Охири битим санаси
1.	Standard	ALSKOM SK AJ	06.01.2014	1 380	29 062 358	1600	09.11.2022
2.	Standard	KAFOLAT SK AJ	18.11.2019	1	44 990 350 000	32,51	09.11.2022
3.	Transit	<O'zagrosug'urta> AJ	24.06.2010	3 280	33 198 274	3600	09.11.2022
4.	Transit	<Kapital sug'urta> AJ	19.01.2015	0,01	3 200 000 000 000	0,03	09.11.2022
5.	Transit	<TEMIRYO'L-SUG'URTA> AJ	07.04.2022	1 000	50 000 000	1542,5	18.05.2022
6.	Transit	<UNIPOLIS> AJ ST	29.06.2022	1	20 000 000 000	1,74	07.11.2022

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Алском ва Кафолат суғурта компаниялари Стандарт тоифаси асосида листингга қўйилган. Яна тўртта суғурта компанияси акциялари эса Транзит тоифаси асосида листингга мавжуд. Савдога қўйилган акциялар бўйича нисбатан кунлик савдолар мавжудлиги суғурта компаниялари учун ижобий ҳолатдир. Листингдаги суғурта компаниялари акциялари номинал қийматидан ҳам кўриниб турибдики, савдолар номинал қийматдан юқори котировкаларда амалга оширилмоқда. Мазкур кўрсаткич ҳам ижобий ҳолат. Лекин ҳисоб-китобларни аниқлаштириш мақсадида 1 сўмлик ёки 1 тийинлик акцияларни йириклаштириш мақсадга мувофиқ.

Бошқа томондан бошқа суғурта компаниялари ҳам бизнес нуфузини ошириб бориш нуқтаи назаридан листингга интилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунга суғурта компанияларида имконият юқори, деб ҳисоблайман. Чунки фаолият юритаётган суғурта компанияларининг аксарияти хусусий сектор вакили сифатида фаолият юритмоқда. Санокли суғурта компанияларигина давлат иштирокидаги суғурта компанияларидир. Бу жиҳат ҳам соҳадаги рақобат муҳитининг ривожланишига хизмат қилган. Шун

дай шароитда хусусий суғурта компанияларининг листингга интилиши нафақат молия бозорида, балки миллий иқтисодиётда ҳам бизнеснинг нуфузи ошиб боришига хизмат қилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра суғурта компаниялари акциялардан ташқари корпоратив облигациялар чиқариш орқали қарз капитални чиқариши мумкин. Амалда суғурта компаниялари бу имкониятдан фойдаланаётгани йўқ. Чунки бунга ҳеч қандай эҳтиёж мавжуд эмас.

Суғурта соҳасида бевосита давлат аралашуви нисбатан пастлиги, хусусий сектор фаоллиги шароитида суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллиги нуқтаи назаридан акцияларни бирламчи оммавий жойлаштиришга чиқариш амалиётларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бундай амалиёт, шубҳасиз, бозорда ва жамиятда кенг миқёсли танилишга хизмат қилади. Шунингдек, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларига нисбатан хусусий компанияларнинг бундай амалиётлари самараси бир неча баравар юқори бўлишини ҳам шу ўринда қайд этиб ўтишимиз лозим. Чунки давлат иштирокидаги жамиятларда орқага қайтиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Умуман, акция-

ларни бирламчи оммавий жойлаштиришга чиқариш фаолиятни ривожлантириш учун арзон капитал жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар. Илмий мақола доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

Биринчидан, барча суғурталовчиларнинг акциядорлик жамиятига айлантирилиши суғурта компанияларининг фонд бозорида фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки мамлакатимизда суғурта бозори соғлом рақобат муҳити мавжуд. Айнан шу жиҳат ҳам суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаоллиги акциялар эмиссияси орқали арзон капитал жалб қилиш ва қимматли қоғозларга инвестициялар киритиш орқали даромадни диверсификациялашда яққол намоён бўлади. Шу боисдан мазкур масалада миллий суғурта компаниялари ҳам алоҳида ёндашув асосида ишлаши лозим.

Учинчидан, суғурта компаниялари акциялар эмиссиясини амалга оширишда акциялар номинал қийматини бозор талаблари асосида

белгилаш лозим. Айрим суғурта компанияларининг ўз акциялари номиналини бир тийин, бир сўм белгилаши акциядорлар умумий йиғилиши, акциядорлар реестри билан боғлиқ ҳужжатларни, қисман бўлса-да, мураккаблаштиради. Бошқа томондан очиқ бозорга чиққанда ҳам ҳеч ким 100 та акцияни 100 сўмга, ёки бир тийинлик 100 та акцияни 1 сўмга сотиб олмайди.

Тўртинчидан, бугунги кунда олтита суғурта компаниясининг акциялари Тошкент республика фонд биржасида листингдан ўтган. Бу секторда салоҳиятнинг юқорилиги сабабли барча суғурта компаниялари листингга интилиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Чунки листинг орқали суғурта компаниялари молия бозорида, умуман, бозорда нуфузи ортиб боришига эришиши мумкин. Мазкур жиҳат суғурта компанияларининг молия бозоридаги муҳим драйверга айланишига хизмат қилади.

Бешинчидан, хусусий суғурта компаниялари ўз акцияларини бирламчи оммавий жойлаштиришга чиқаришлари орқали бозордаги ва жамиятдаги нуфузини ошириб боришга интилиши лозим. Бундай амалиёт арзон капитал жалб қилишда ва кенг оммага танилишда муҳим саналади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов И. ва бошқ. Суғурта назарияси ва амалиёт. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 341 б.
2. Абдуллаева Н. Суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2022. – 59 б.
3. Алиқулов М. Суғурта ташиқлотларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўллари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2022. – 59 б.
4. Danilo Capozzi, Elisabetta Trevisan, Guglielmo Weber. Life insurance investment and stock market participation in Europe. *Advances in Life Course Research, Volume 18, Issue 1*, March 2013, pages 91-106.
5. Han Hou, Su-Yin Cheng. The dynamic effects of banking, life insurance, and stock markets on economic growth. *Japan and the World Economy. Volume 41, March 2017, pages 87-98.*
6. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги 358-II-сонли қонуни. 2002 йил 5 апрель. 2022 йил 25 февралда ўз кучини йўқотган.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори. 2020 йил 24 февраль.
8. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сонли қонуни. 2021 йил 23 ноябрь.
9. www.deponet.uz – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисоботи.
10. <https://uzse.uz/isu/infos/>